



«Dunyoda ilmdan boshqa najot yo‘q va hech qachon bo‘lmagay». *Imom Buxoriy*



# IMOM BUXORIY SABOQLARI

*ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal*



**BUKHARA**

CAPITAL OF ISLAMIC CULTURE

عاصمة الثقافة الإسلامية

ISLOM MADANIYATI POYTAXTI

— 2020 —

IMOM  
BUXORIY  
XALQARO ILMIY-  
TADQIQOT MARKAZI  
NASHRI

4/2019

**Феруза МАМАДАЛИЕВА.** Маънавий таҳдидларга қарши курашишида шахс масъулиятини исломий қадриятлар асосида такомиллаштириши.....80

### МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

**Махмуд МАЖИТОВ.** Глобаллашув жараёнларида шахс ижтимоийлашувининг муаммолари.....83

**Хуррият ХУДОЙБЕРДИЕВА.** Жамиятда миллатлараро тотувликни шакллантиришида санъат асарларининг ўрни.....85

**Aziza NOSIROVA.** Diniy ksenofobiyaning nazariy jihatlari va tarixiy ko'rinishlari.....87

### ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ

**Sheraxon XASHIMOV.** O'zbekistonda ziyorat turizmini rivojlantirishning ba'zi masalalari.....89

**Асрор ТУРСУНОВ.** Марказий Осиё давлатлари интеграциясида маданий алоқаларнинг ўрни..... 91

**Дониёр ҒАФУРОВ.** Оиланинг тинч ва хотиржамлиги жамият барқарорлигининг асосидир.....94

**Абдуқосим ТОЖАЛИЕВ.** Олий таълим жамиятнинг янги ривожланиш босқичида барқарор тараққиёт кафолати.....95

**Жасур УЛУҒОВ.** Тасаввуф ғояларининг ижтимоий моҳияти.....98

**Ғайратбек ҲАЙДАРОВ.** Тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик.....99

**Бахтиёр МИРЗАРАҲИМОВ.** Туризм маданияти – умуммаданиятнинг муҳим қисми сифатида.....103

**Хамро РАҲМОНОВ.** Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида “Маҳалла” ижтимоий институтининг аҳамияти.....105

**Хуршид ЖУМАНАЗАРОВ.** Табобатда “анъанавий ва халқ табobati” тушунчаси.....108

**Бахтиёр ТУРСУНОВ.** Алишер Навоийнинг “Комил инсон” таълимоти (“Арбаъин” асари мисолида)..... 110

### ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

**Дилфуза САҒДУЛЛАЕВА.** “Қисаси Рабғузий” асарида қўлланган синтактик воситалар.....113

**Muxiddin ALLANAZAROV.** Alloma Tabotaboiyuning borliq va irfon masalalariga munosabati.....115

**Аҳмад ЖЎРАЕВ.** Тинчликпарварлик тушунчасининг фалсафий-ахлоқий таҳлили.....118

**Ақтам САМАДОВ, Бектош ИСРОИЛОВ.** Шахс ахлоқий-эстетик идеалининг синкретик хусусияти: диахроник ва синхроник ёндашув.....121

**Xolbibi QURBONOVA.** Naqshbandiya tariqatida ta'lim-tarbiyaning o'ziga xos jihatlari.....123

**Сардор АБДУЛЛАЕВ.** Гузаллик инсон маънавий борлигининг шакли сифатида.....124

**Марҳабо АШУРОВА.** Жалолиддин Румий таълимотида “борлиқ” муаммоси.....126

**Тумарис САФАРОВА.** Этномаданий туризмнинг ижтимоий функциялари ва имманент хусусиятлари...128

**Акрам АЗИЗҚУЛОВ, Жаъфар МУСТАҒАЕВ.** Юсуф Хос Ҳожиб илмий меросида рационаллик тамойили...131

### ЁШЛАР – КЕЛАЖАҒИМИЗ

**Отабек ҒАЙБУЛЛАЕВ.** Ёшлар эстетик онгида соғлом турмуш тарзини шакллантириши масалалари..... 133

**Элёр УЛУҒМУРОДОВ.** Ёшлар эстетик тафаккурини шакллантиришида ислом дини қадриятларининг ўрни...135

**Фотима ТИЛЛЯЕВА.** Ёшларни маънавий-эстетик тарбиялашда оиланинг ўрни.....137

**Юнусжон ИСОМИДДИНОВ.** Ёшларнинг коррупцияга қарши курашишида эстетик тарбия масалалари...139

**Н. МАМАДИЕВА.** Жамият тараққиёти ривожини оиладаги ёшларни тарбиялашда Имом Бухорий ҳадисларининг ўрни.....141

### ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ

**Мавлуда ХОДЖАЕВА.** Буюк алломаларимиз ҳаёти ва ижодини ўрганишида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиши.....143

**Алимжон ДАДАМУҲАМЕДОВ.** Зиёрат туризмида информацион коммуникация технологияларининг ўрни...144

### СИЙРАТ

**Зиёвуддин РАҲИМОВ.** Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ташқи кўринишлари..... 147

### БИР ҲАДИС ШАРҲИ

**Нодир ҚОБИЛОВ.** Ота-онага яхшилик қилиши.....150

## ТАБОБАТДА “АНЪАНАВИЙ ВА ХАЛҚ ТАБОБАТИ” ТУШУНЧАСИ

Хуршид ЖУМАНАЗАРОВ  
ЎЗР ФА Тарих институти  
илмий ходими

*Ушбу мақолада халқ табоботи тушунчаси ҳамда унинг тарихи масаласи тадқиқ қилинган. Табиб, халқ табоботи ва анъанавий табобат каби атамаларни мазмун-моҳияти соҳага доир адабиётлар ҳамда дала тадқиқотлари маълумотлари асосида очиб берилган. Шунингдек, халқ табоботининг умумий ва этнохудудий муаммоларига ҳам тўхталиб ўтилган.*

**Таянч сўзлар:** халқ табоботи, анъанавий табобат, табиб, замонавий тиббиёт, анъана, ислом, Дао, конфуцийлик, буддизм.

Халқ табоботи анъаналарини этнологик жиҳатдан тадқиқ этишга бўлган қизиқиш эса ўтган асрнинг иккинчи ярмидан сезиларли кучайди. Аввало, халқ табоботи умумий жиҳатдан тадқиқ қилинган бўлса, бугунги кунга келиб, ушбу анъаналар кам сонли халқлар маданияти мисолида ҳам ўрганилмоқда. Шу кунга қадар бир қанча халқларнинг табобат анъаналари этнологик жиҳатдан тадқиқ қилинган ва муаммони ўрганишга доир методлар, қарашлар ишлаб чиқилган. Бу борада табиблар фаолияти, табобатнинг жамиятда тутган ўрни, унинг этнологик хусусиятлари, замонавий тиббиёт билан ўзаро мутаносиблиги каби масалаларни ўрганиш долзарблигича қолмоқда. ЖССТ ва ЖССАнинг халқ табоботини ўрганиш бўйича қабул қилган махсус қарорлари ҳам бу соҳани жадаллик билан ривожланишига хизмат қилмоқда[3: 5]. Табобат одамларнинг табиий эҳтиёжлари, кундалик машғулоти натижасида эришган билимлар тўғрисида вужудга келди. Халқ табоботи анъаналари шарқшунослар, тиббиёт вакиллари, социологлар, тарихшунослар томонидан ўрганилган. Халқ табоботининг пайдо бўлиши, тарихи ва ривожланиш босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари борасида бунга дахлдор фан соҳаларининг ўзига хос қарашлари мавжуд. Ушбу фикрларни таҳлил қилиб айтиш мумкинки, табобатнинг пайдо бўлиши борасида қарашларни икки гуруҳга ажратилади: диний-мистик назария ва илмий материалистик назария.

Биринчи қараш тарафдорлари табобатнинг пайдо бўлишини илк диний қарашлар (анимизм, тотемизм, фетишизм)нинг вужудга келиши билан боғлайдилар. Яъни, шаманлар, коҳинлар ва айрим ибодатхона ходимлари аҳоли саломатлигини асраш, касалликни даволаш билан машғул бўлишган[4: 22] дейилади. Жумладан, Геродот скиф табибларини бир вақтнинг ўзида коҳинлик ва фолбинлик билан ҳам шуғулланишини қайд этган[5: 760]. Қараш тарафдорлари табобат билимлари ибодатхонада пайдо бўлиб, табиблик билан шу ерда меҳнат қилувчи коҳинлар шуғулланишган деган ғояни илгари суришади[10: 25] ва бугунги кунда ҳам баъзи эмпирик табобат, замонавий тиббиёт соҳаларида сеҳр-жоду белгиларини учратиш мумкин[14: 40] деб ҳисоблайдилар. Тарихдан маълумки, қадимда ҳам табобат соҳасини давлат назорат қилиб, табибларнинг тирикчилиги ибодатхоналарга тегишли вақф мулклари ҳисобидан бўлган[12: 14]. Шу сабабли ҳам айрим ҳудудларда илк шифохона ва тиббий мактаблар ибодатхона, черковлар қошида юзага келган. Бу эса табобатнинг пайдо бўлиши ҳақидаги биринчи назариянинг шаклланишига сабаб бўлган омишлардан бири десак тўғри бўлади. Бошқа томондан халқ табоботи анъаналари бевосита ўша халқнинг диний қарашлари ва ақидалари билан боғлиқ, масалан хинд, Тибет табоботи буддизм динига, Хитой табоботи эса Дао ва конфуцийлик фалсафий қарашларига таянади[9: 226]. Ўзбекларнинг табобат анъаналарини кўздан кечирсак тозалик, поклик, беморлар билан муомала қилиш, тўғри овқатланиш каби ҳаракатлар зардуштийлик қадриятлари ва ислом дини

*In this article analyzed folk medicine notion and its historical matter. It is taken up questions by books which about quack, folk medicine, traditional medicine's essence and field investigations' information. In this article also is give common and ethno territorial problem of folk medicine.*

*В этом статье исследовано и выяснено понятия народная медицина и ее история. Открыто с основой полевые экспедиции и профессиональные литературы понятие лекарь, народная и традиционная медицина. А так же остановлено к общему и этнотерриториальному проблеме народной медицины.*

қоидалари асосида янада мустаҳкамланган. Яъни, табобат фалсафий жиҳатларининг пайдо бўлиши ва тиб қоидаларини халқ томонидан қабул қилиниши, бажарилишида диний билимлар муҳим ўрин тутсада, бу ҳолат табобат анъаналарини тўла шаклланиши учун етарли бўлмайди.

Иккинчи назария тарафдорлари фикрича табобат инсонларнинг амалий фаолияти ва ҳаётий зарурият натижасида пайдо бўлган. Табобат инсониятга хос маданиятнинг ажралмас қисми бўлиб, инсон тафаккури ва жамият ҳаёти билан параллел равишда тараққий этади[6]. Ибодатхона ва черковлар қошида тиббий муассасаларнинг вужудга келишига қадар ҳам табобат анъаналари мавжуд бўлган. Инсон томонидан ўзини, табиатни, ҳайвонот оламини ҳамда ўсимликлар дунёсининг тадқиқ қилиниши эмпирик билимни шакллантирди. Кейинчалик ҳаётий зарурат ва шароитга қараб бу билимларнинг айрим қисмлари халқ томонидан ўзлаштирилган, яъни табобат соғлиқни сақлаш йўлида одамларнинг орттирган тажрибалари асосида билим, малака ва кўникма ҳосил бўлган[1: 5]. Шу кўникмаларнинг илмий асосланиши ҳамда соҳага доир адабиётларнинг пайдо бўлиши натижасида табобат мактаблари ёки тиб илмини ўргатувчи муассасалар пайдо бўлган. Ўрта асрларда умумий таълим аксарият ҳолларда диний муассасалар қошида ташкил қилинган бўлиб, ўқитишда эмпирик билимларга асосланган табобатга доир адабиётлар ва қўлланмалардан кенг фойдаланилган. Умуман олганда, табобат анъаналарини аниқ бир йўналишда шаклланган деб фикр билдириш кийин, чунки халқ табоботида ҳар икки йўналиш унсурлари аралаш ҳолда даволаш, дори тайёрлаш каби анъаналарида кузатилади.

Шундай бўлсада даволаш усуллари, касбий атрибутлари ҳамда табибларнинг умумий фаолиятига қараб халқ табоботини йирик икки гуруҳга ажратиш мумкин: мистик (тасаввуф, ғайритабиий кучларга ишониш) табобат ва эмпирик (тажриба йўли билан, тажрибага асосланиб, бирор нарсани тажриба йўли билан аниқламоқ) табобат. Тиб анъаналарини ўрганишда, табобат сўзининг маъноси ва қўлланлишига ҳам эътибор қаратиш зарур. Халқимиз орасида кенг ишлатиладиган “табобат” атамаси эса араб тилида “саломатликни асраш, даволаш ва дори-дармон билан боғлиқ амалиёт”ни ифодаловчи сўз бўлиб, арабларда «тибобат» шаклида қўлланилади. Бундан ташқари, “тиб” сўзининг ўзи “ислоҳ қилиш”, “тузатиш” каби маъноларини билдириб, “тиб қилди” деганда “беморни ислоҳ қилди”, “тузатди” каби маънолар тушунилган. “Тиб”нинг иккинчи маъноси “моҳирлик”, “ҳозиклик”[16: 6] дир.

Тиббиёт ва табобатнинг қарама-қарши қўйилиши натижасида умумий асосга эга бўлган бу икки амалиётнинг ўз ҳолича ривожлана олмаслиги маълум бўлди. XVIII асрдан бошлаб замонавий тиббиёт ва халқ табоботи тушунчалари олимлар томонидан алоҳида кўринишда ўрганилган. XIX аср охири ва XX аср бошларида немис шифокорларининг саъй-ҳаракатлари натижасида “халқ табоботи” номи ва унга хос бўлган усуллар, воситалар ва таркибий кўринишлар юзага келди[8:65]. Кейинча-

лик халқ табоботи якка ҳолда юқорида таъкидланганидек бир қанча фан соҳаларининг тадқиқот мавзусига айланиб қолди. Шарқда эса тиб илмининг ривожини халқ табоботи анъаналари асосида шаклланган бўлиб, бу борада яратилган асарларда халқ орасида машҳур бўлган даволаш, ташхис қўйиш ва дори тайёрлаш усулларининг илмий жиҳатдан исботланган қўринишлари акс этган. Халқ табоботи қайси маънода қўлланилишига тўхталиб, бу атама фақатгина маълум этник бирлик(халқ)ка хослигини таъкидлайди. Этник бирликка тегишли табобат анъаналарининг вужудга келишида оддий халқнинг йиллар давомида машаққатли меҳнати натижасида тўплаган билим ва тажрибаси сабаб бўлган.

Юқорида келтирилган фикрдан хулоса қилиб айтиш мумкинки, халқ (эмпирик) табоботи – инсонларнинг яшаш тарзи, машғулот, ҳужалиги, умуман ижтимоий фаолияти натижасида орттирган тажрибалар тўпламидир. Халқ табоботи асрлар давомида анъаналар асосида эътироф этилган, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган касалликларнинг олдини олиш, соғломлаштириш, ташхис қўйиш, инсонни яхлит ўрганиш ва фақат анъаналар билан даволаш анъаналаридир. Табобат анъаналари бугунги кунгача оғзаки (авлоддан-авлодга оғзаки етказилиши) ва ёзма (соҳа вакилларининг мавзуга оид китоб, қўлланма, рисоаларнинг ёзиши) тарзда етиб келган.

Табиблар тиб билан шуғулланиши алоҳида касби сифатида айтилиши керакми ёки табобат оддий ҳунар турларидан бирими? – деган масалада мунтазам мунозара юритилди. Яъни, халқ табоботи анъаналари маълум халққа хос тиб илми экан, бу жараён табиблар фаолияти билан боғлиқми ёки табибларсиз мустақил даволаш фаолияти турими?

Табиблик фаолияти халқ табоботининг ажралмас қисми ёки таркибий тузилишларидан биридир. Илк даврларда тўпланган тиббий тажрибалар умумжамоа мулки бўлиб, анча содда қўринишда бўлган. Чунки кишиларда ҳали тиббий билим тўлиқ шаклланмаган, фақатгина кузатиш ва тажриба йўли билан айрим тиб амалларини фойдасини англаб етишган. Шу сабабли ҳам улардан ҳар ким фойдалана олган. Вақт ўтиши билан халқ томонидан тўпланган тиббий анъаналар маълум инсонлар қўлида тўпланиб, илмий тажрибалар асосида ривожлантирилгач, табиблик касбини юзага келишига сабаб бўлган. Табиблик касбини юзага келишига қадар баъзи касб эгалари табобатнинг айрим соҳалари билан шуғулланишган, масалан, сартарошлар[13:69], темирчилар ва ҳоказо. Муаммонинг иккинчи томони шундаки, илгари табиблик алоҳида касб тури ҳисобланмасдан, табобатдан хабари бўлган шахс аслида бошқа касб билан шуғулланиб оила тебратган, яъни табобатга тирикчилик манбаи сифатида қарашмаган. Бу омиллар кишини мохир табиб бўлиб шаклланганига қадар оддий халқ орасида кишиларнинг оилавий аҳволи, турмуш шароити ва муаммоларидан хабардор бўлиб, уларнинг “яқин одами” сифатида танилиши оқибатида жамият аъзолари табибларга ўзларининг барча сир-асрорларини айтишига тортинмаганлар. Бугунги кунда ҳам табибларнинг бошқа касб шуғулланиши ҳолатлари кузатилади. Олим Разоқ Ғиёсий муаммони Гана халқи мисолида ўрганиб айтдики, бугунги кунда ривожланган ҳудудларда беморлар махсус таълим олган шифокорларга мурожаат қилишади, тиббиёт муассасаларидан узоқда яшовчилар, моддий имконияти чекланганлар ёки айрим ривожланаётган ҳудуд аҳолиси эса кўпроқ халқ табиблари хизматига эҳтиёк сезишади[2:41]. Шу ўринда халқнинг табобат соҳаси ва табибларга муносабати, ҳукумат томонидан яратилган замонавий тиббий қўлайликлар ҳамда давлат халқ табоботини қонун билан ҳимояланганлиги ва тиббиёт ва табобатнинг ўзаро боғлиқлиги каби сабабларни инобатга олиш зарур.

Бугунги кунда ҳам одамлар орасида “халқ табоботи” тушунчаси соҳа мутахассиссиз даволаш, табибий воситалар орқали муолажа олиш деган тасаввур ҳосил қилган. Яъни, халқ табоботи замонавий тиббиёт ходими – шифокорсиз даволаш усули-

дир, табибсиз эмас. Табиблар эса тиббий илмни айнан халқнинг ўзидан ўрганган ва шу халққа нисбатан қўллаган. Шуни асос қилиб айтиш мумкинки табиблар халқ табоботининг яшаш ва авлоддан-авлодга ўтишида асосий кўприк вазифасини бажаради. Иккинчи томондан халқ табоботи усуллари содда, тушунарли ва уй шароитида топиллиши осон жиҳозлар ва тайёрлаш мумкин бўлган муолажалардан иборат. Бу ҳолат ҳам беморни оила аъзолари томонидан халқ табоботи йўли билан ҳатто табибсиз даволаш мумкин деган тушунчани шаклланишига сабаб бўлган.

Баъзан олимлар “халқ табоботи” ва “анъанавий табобат” атамасини алоҳида талқин қилади[7]. Яъни, тиббий билимларни йирик уч гуруҳга ажратишади: халқ табоботи, анъанавий табобат ва илмий тиббиёт. Улар, табиб халқ табоботи билан, ҳақимлар эса анъанавий табобат билан шуғулланади, деган фикрни илгари сурадилар. Халқ табоботи ва анъанавий табобатнинг ўзаро фарқини эса қуйидагича асослайдилар: анъанавий табобатда эришилган ютуқлар (ишлатиладиган доривор воситалар, даволаш усуллари ва бошқалар) ёзма ҳолда битилиб, халқлар орасида ва авлоддан-авлодга тарқалган. Анъанавий табобат ўз тараққиёти буйича халқ табоботидан юқори турради ва илмий тиббиётга асос солган[15:3]. Бу фикрлар ҳам баҳсли бўлиб, агар “халқ табоботи” дейилганда мистик табобатни, анъанавий табобат дейилганда эмпирик табобат назарда тутилган бўлса бирмунча тушуниш мумкин. Унда ҳам анъанавий табобат ва халқ табоботи номларини алоҳида қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки “анъана” – тарихий тараққиёт жараёнида табиий ва ижтимоий эҳтиёжлар асосида вужудга келадиган, ақдождлардан авлодларга мерос бўлиб ўтадиган, кишилар маданий ҳаётига таъсир ўтказадиган маданий ҳодисадир. Анъана ўзига хос ижтимоий қоида сифатида кишилар онгига сингган (умум ёки маълум гуруҳ томонидан), қабул қилинган тартиб ва қоидалар мажмуаси ҳисобланади[11:3]. Халқ табоботи ҳам инсониятнинг эҳтиёжлари натижасида яратилган ва авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиб келаётган тиббий анъаналар тўпламидир. “Халқ табоботи” ва “анъанавий табобат” атамалари маъно жиҳатидан яқин бўлиб, табобат билан шуғулланувчи мутахассислар “табиб”, бу соҳада етук олим бўлганлар “ҳақим” номи билан аталган. Демак, халқ томонидан табобатга доир тажрибани тўпланиши ва ундан мунтазам асрлар давомида фойдаланиши оқибатида бу тажрибалар анъанага айланган.

Ҳозирда “халқ табоботи” атамаси ўзбеклар томонидан ҳар икки соҳаси учун ҳам қўлланилади. Мистик ва эмпирик табобат билан шуғулланувчилар бирдек “табиб” деб юритилади. Ўтказилган сўровномаларга эътибор қаратсак, “халқ табоботи деганда нимани тушунаси?” – деган саволга ишгирик этганларнинг 40% “ҳам мистик табобат ҳам эмпирик табобат билан шуғулланувчилар” – деб, 33% фақат эмпирик табобат вакиллари деб, қолган 27% “мистик табобат вакиллари” деган жавобни берган. Бунда эътибор қаратиш керак бўлган жиҳат шуки, баъзи ҳудудларда мистик табобат вакиллари ва муқаддас қадамжолар нисбатан кўп учраса, бошқа ҳудудларда эса кўзга кўринган эмпирик табобат вакиллари кўпчиликини ташкил қилади.

Юқорида келтирилган фикрларни умумлаштириб айтиш мумкинки, халқ табоботи тушунчаси ва унга хос усуллар асрлар давомида бевосита халқ томонидан яратилган ва одамларнинг тараққиётга интилиши натижасида ривожланиб борган. Халқ табоботининг тўла тараққий этиши маълум этник бирликнинг халқ сифатида шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Илгари табобат илми умумжамоа мулки ҳисобланган бўлса, энди маълум халқнинг маданий бойлиги сифатида аҳамият касб этди. Халқ табоботи ўзида одамларнинг яшаш шароити, машғулот, диний қарашлари, табиат билан муносабати, илмий синовлари, тўплаган тажрибаларини ўзида мужассам этган. Унинг шаклланишига халқнинг барча вакиллари қисман сабабчи ёки асос

солувчидир. Чунки киши хоҳ бемор, хоҳ табиб бўлишидан қатъий назар ўзи мансуб бўлган халқнинг табобатига мурожаат қилади ва шу табобат атрофида изланиш олиб боради. Халқ табобати маълум этник гуруҳнинг халқ ва миллат бўлиб шаклланиши жараёнида мунтазам янгилашиб, бошқа халқ ва миллат табобат анъаналарини ўзига сингдирган ёки бошқаларнинг билимларини бойишига хизмат қилган.

Табобат анъаналари тарихан мураккаб йўлни босиб ўтган, жумладан ўзбекларнинг табобат анъаналари олукумаг томонидан таққиланган ва табиблар таъқиб остига олинган даврларни

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Nyiegwen A. Modernity in Traditional Medicine. – Umea: International School of Public Health, 2011.
2. Razak Mohammed Gyasi. Public perceptions of the role of traditional medicine in the health care delivery system in Ghana // Global Journal of Health Science – Vol. 3, –№ 2;
3. Авакян М. и др. Народная медицина – ценность, достойная научного доказательства // Научно-медицинский журнал НИЗ МЗ РА. –Ереван. –2009. – № 2.
4. Алекперли Ф. Тысяча и один секрет Востока. Том II. – Баку: Нурлан, 2008.
5. Епифанцева А., Епифанцев А. Народная медицина – культурный слой истории общества // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – 2011. – № 5.
6. История понятий «традиционная» и «народная» медицина // www.medicinform.net/history/nauka/1.htm. 27.05.2015
7. Ключихин А. Народная медицина // Звезда. № 108, 1 октября 2015.

хам бошдан кечирган. Лекин, табобат анъаналари, айрим табиблар ва уларнинг авлодлари яширин равишда халқ орасида яшаб қолди. Аждодлардан мерос сифатида сақланиб қолаётган тиб илми халқ онгига шу даражада сингиб кетган эдики, бу борада давлат томонидан қабул қилинган қарорлар ва қўлланилган чора-тадбирлар хам кутилган натижани бермади. Демак, халқ жисмонан мавжуд экан, ўзининг тарихий тараққиёти давомида яратган барча анъана, удум ва маросимлари қатори табобат анъаналари хам яшаб қолаверади.

8. Кызыл-оол М. Народная медицина Тувы: современное состояние и перспективы развития // НИИ медико-социальных проблем и управления Республики Тува. Том 2. – № 1-1. – 2015.
9. Кодиров А. Урта Осиёда медицинанинг пайдо бўлиши. –Т.: Ибн Сино, 1990.
10. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. – Т.: Шарқ, 2002.
11. Муминов Х, Имхотеп биринчи табиб. – Т.: Фан, 2007.
12. Соколов И., Степанов В. Народная медицина-наука и традиционное знание. – СПб: Гидрометеиздат, 2001.
13. Харитонова В. От народно-медицинских традиций к интегративной медицине // Научный вестник Ямало-Ненецкого автономного округа. – № 1 (74). – 2012.
14. Холматов Х., Собиров Р. Халқ табобати хазиначилари ўранишга доир // Кимё ва фармация. – 1993. – № 3.
15. Ҳамроев М. Тиббиётми? Табобатми? // Шарқ табобати. – 2009. – № 3.
16. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. Тиб ва дам. 18 жуз. – Т.: Шарқ, 2010.

## АЛИШЕР НАВОЙНИНГ КОМИЛ ИНСОН ТАЪЛИМОТИ (“Арбаъин” асари мисолида)

**Бахтиёр ТУРСУНОВ**  
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази  
илмий ходими

*Мақолада Алишер Навоийнинг комил инсон таълимоти унинг “Арбаъин” асари мисолида синергетик ёндашув асосида фалсафий таҳлил этилади.*

**Таянч сўзлар:** арбаъин, ҳадис, комиллик, хушфезллик, қўли очиклик, силаи раҳм.

*The article covers philosophical ideas about building a character of a many-sided man as purported by Alisher Navoi. This is done on the basis of one of his works “Arbain”.*

*В статье рассматриваются философские идеи Алишера Навои о формировании совершенного человека на примере его произведения «Арбаин».*

Миллий ўзликни англаш, маънавий меросни ўрганиш ва тадқиқ этиш, ўтмишда яшаб ўтган мутаффақир ва алломаларнинг илмий-фалсафий ва диний ахлоқий қарашларидан халқ оммасини, аввало ёшларни бахраманд этиш ҳаётгий заруратга айланди. Зеро, “замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажиги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола билладиган баркамол, мақсадга интилувчан, сергайрат ёшларни тарбиялаш мамлакатни барқарор ва илдам ривожлантиришнинг энг муҳим шартидир”.

Сермаҳсул ижод соҳиби бўлган Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти мазмунини инсониятга, халқга, ватанга хизмат қилишдек буюк эзгулик ташкил этади. Шу боис улуғ шоир ижодида одамийлик, бағрикенглик, дўстлик, оқибатлилик каби умуминсоний қадриятлар асосида комил инсонни тарбиялашга доир масалалар кенг тараннум этилади. Жумладан, “Арбаъин” асарида аллома умуминсоний қадриятларга содиқ қолган ҳолда, энг халқчил ҳадисларни шеърый усулда омма эътиборига ҳавола этади. Шарқ адабиётида мавжуд бўлган “арбаъин” анъанасига кўра ислом таълимотининг халқ орасида машҳур бўлган энг саҳих (ишончли) ҳадисларидан қирқ ҳадис саралаб олинган ва ҳар бирининг мазмунини бир рубойида талқин қилинган. Абдурахмон Жомийнинг “Чихил ҳадис”ини Алишер Навоий туркийга таржима қилади. Шоирнинг нияти, асар муқаддимасида таъкидланганидек, «форсийдонлар идрок айлаган» қирқ ҳадис моҳиятидан туркийзабонларни хам бахраманд қилиш бўлган. Бу ҳадисларни шеърга солишдан

кўзланган мақсад эса уларнинг осон тушунилишини, ёдда сақланилишини ва энг муҳими, кундалик ҳаётда уларга амал қилинишини тарғиб қилишдан иборат бўлиб, ҳадисларни Ҳақ ва халқ истаги сифатида ифодалаш орқали шоир “Арбаъин”нинг таъсир кучини оширишга эришган.

Жумладан, асар дебечасида “сўзи хайрли бўлган зот (Оллоҳ)га мақтовлар бўлсинки, ундан элга пайғамбар орқали хушxabар етди, дейилади. У пайғамбарнинг сўзлари ёқимли бўлиб, ундан элга ишончли ҳадислар етди. Халқ ушбу (ҳадислар) орқали жаҳдан халос бўлиб, илм хилватига эришди, дўзахдан нажот ва жаннат ичра ҳаёт топди, натгжада Оллоҳнинг зикри улуғ ва пайғамбарнинг шафоати азиз бўлди” дея таъкидланади.

Алишер Навоий халқ орасида машҳур бўлган ҳадисларнинг мазмунини назмга келтирилишининг сабаблари хусусида шундай баён қилади, “пок кўнгилларнинг, шу жумладан, Жомий покиза қалбининг хам оқибати яхшилик эканлиги, бу зот Навоийга яқин бўлиб, унга қўл берганлиги ва киблагоҳ устозу пир бўлганлиги эътироф этилади. Шунингдек, Жомийнинг назм девони ва наср услуби таърифи жаҳон тугтанлигини ва у хижрий саккиз юз саксон олтинчи йилда эл орасида машҳур бўлган “Чил ҳадис” (Қирқ ҳадис) асарини ёзганлиги, Жомий ҳадисларни шеърый усулда турфа хил баён қилганлигини, Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг барча шубҳалардан холи бўлган қирқ ҳадиси наср билан назмда сиёҳга солиниб, форсий тилда баён қилинганлигини маълум қилади. Ушбу “Арбаъин”лар чикарди жонлар, балки қирқ ар-